Zafar FAHRIDDINOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, PhD student, Islamic studies and ISESCO Chair for learning Islamic Civilization.
z.fahriddinov@iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТИДАГИ ЎРНИ ҲАМДА ТАФСИР ВА ЛУҒАТ ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

МЕСТО ХАКИМА ТЕРМИЗИ В НАУЧНО-ДУХОВНОЙ СРЕДЕ ЦЕНРАЛЬНОЙ АЗИИ И ВКЛАД В НАУКИ ТАФСИРА И ЛЕКСИКОГРАФИИ

HAKIM TERMIZI'S PLACE IN THE SCIENTIFIC AND SPIRITUAL ENVIRONMENT OF CENTRAL ASIA AND CONTRIBUTION TO THE SCIENCES OF TAFSIR AND LEXICOGRAPHY

Калит сўзлар: *тасаввуф, футувват, жавонмардлик, Қуръон, тафсир, луғатшунослик, вужуҳ, назоир, матн.*
Ключевые слова: *суфизм, футувва, алтруизм, Коран, толкование, лексикография, вуджух, назаир, текст.*
Key words: *Sufism, futuva, altruism, Qur'an, interpretation, lexicography, wujuh, nazair, text.*

Мовароуннаҳр ислом тамаддуни ўчоқлари қаторида эътироф этилишининг сабабларидан бири – бу ўлкадан чиққан олимларнинг ислом таълимоти бўйича қомусий билимларга эга бўлгани ҳамдир. Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан ислом олимлари ўзлари алоҳида урғу бериб ўрганган соҳалари бўйича муфассир, муҳаддис, мутакаллим, мутасаввиф сифатида танилганлари ҳолда, изланишлари муайян соҳа билан чекланиб қолмаганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Алоуддин Самарқандий нафақат фақиҳ, балки муфассир ва воиз, Имом Бухорий нафақат муҳаддис, балки муаррих (тарихчи) ва хаттот, Замахшарий нафақат наҳвий (грамматик), балки, адиб, муфассир ва луғатшунос бўлгани тарихдан маълум. Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) ҳам ислом оламида йирик мутасаввиф олим сифатида танилгани ҳолда, унинг асарлари тафсир, фиқҳ, ҳадис, ақоид, шариат назариёти, луғатшунослик каби бир қатор ислом илмларини қамраб олган.

Бугунги кунда Ҳаким Термизий илмий-маънавий меросини ўрганиш тобора долзарб аҳамият

Мақола икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм «Ҳаким Термизий меросининг Мовароуннаҳр тасаввуф муҳитига таъсири» деб номланган ва унда Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) тасаввуфий қарашларининг Марказий Осиё тасаввуф муҳитига, хусусан футувват ғояларининг кенг ёйилишига таъсири ёритиб берилган. Шунингдек, футувват ғояларининг Ҳаким Термизий асарларида қай тарзда акс этгани манбалар асосида батафсил очиб берилган. Бунинг учун бевосита Ҳаким Термизий асарлари ва Ҳаким Термизий илмий-маънавий меросини ўрганган замонавий олимларнинг асарларига мурожаат қилинган. Бундан ташқари Марказий Осиёда тариқатларнинг шаклланиш даврида нақшбандия тариқати тамойиллари ташкил топишида Ҳаким Термизий ғояларининг таъсири кўрсатиб берилган.

Мақоланинг иккинчи қисми «Ҳаким Термизийнинг тафсир ва луғат илмида тутган ўрни» деб номланиб, унда Ҳаким Термизийнинг Қуръон тафсири ва диний матнлар луғатини ўрганишга қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилган. Ҳаким Термизийнинг луғатшуносликка ва тафсир илмига оид бир қатор асарлари тавсиф қилинган. Жумладан, Қуръондаги кўп маъноли сўзларга бағишланган «Таҳсил назоири-л-Қуръон» асари бошқа муаллифларнинг шу мавзуда унга қадар ёзилган асарлари билан қиёслаб кўрсатиб берилган.

Статья состоит из двух частей, первая часть озаглавлена «Влияние наследия Хаким Термизи на суфийскую среду Мавераннахра». В этой части подробно освешаются влияния взглядов Хакима Термизи на средневековую суфийскую среду в Центральной Азии, в частности на распространения идей «футувва». Для этого нужно раскрыть как именно отражены идеи «футувва» в работах Хаким Термизи. Для этого мы непосредственно ссылаемся на работы Хакима Термизи и работы современных ученых, изучавших научное и духовное наследие Хакима Термизи. Кроме того, в первой части расскрывается влияние идей Хаким Термизи на формирование принципов локальных тарикатов Центральной Азии в этапе формирования учений.

Вторая часть статьи озаглавлена »Место Хакима Термизи в науках толкования Корана и лексикографии», в которой рассматривается вклад Хакима Термизи в в науку толкования Корана и изучения словаря религиозных текстов. Описан ряд работ Хакима Термизи по лексикографии и толкования. В частности, его труд»Тахсиль назаир аль-Куран», которыйпосвящен многозначительным словам в Коране, и сравнивается с другими работами, написанными другими авторами на эту тему раньше него.

This article is consists of two parts, the first part is entitled «Influence of the Hakim Termizi Heritage on Sufi Environment in Maverannahra». It describes in detail, the influence of the views of Hakim Termizi on the Sufi environment in Central Asia, in particular on the dissemination of the ideas of futuwwa. Also, it is necessary to reveal how exactly the ideas of «futuwwa» are reflected in the works of Hakim Termizi. Thus, we directly refer to the work of Hakim Termizi and the work of modern scholars who have studied the scientific and spiritual heritage of Hakim Termizi. In addition, the first part represents the role of the ideas of Hakim Termizi on the formation of the principles of local tariffs in Central Asia during the formation of local sufi orders.

The second part of the article is entitled «The Place of Hakim Termizi in the Sciences of the Interpretation of the Qur'an and Lexicography», which examines the contribution of Hakim Termizi to the science of the interpretation of the Qur'an and the study of the vocabulary of religious texts. A series of works by Hakim Termizi on lexicography and interpretation are described. In particular, his work «Tahsil nazair al-Qur'an», which is devoted to meaningful words in the Qur'an, is compared with the similar works of previous scholars.

касб этиб бормоқда. Сабаби, алломанинг асарларини чуқурроқ ўрганиш натижасида янги-янги маълумотлар юзага чиқиб, Ҳаким Термизий ўз даврида руҳий-маънавий ислоҳотчи мақомида бўлгани, унинг тасаввуфий қарашларининг Мовароуннаҳр тасаввуфи ва тариқатлари тамойиллари шаклланишидаги таъсири яққол намоён бўлмоқда. Хоссатан, нақшбандия тариқати ривожида Ҳаким Термизий қарашлари маҳаллий унсур сифатида мавжудлигини Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи эътироф этган бўлса-да, ҳозирга келиб бу эътироф тадқиқотлар натижасида янада аниқ кўзга ташлана бошлади. Шу кунга қадар алломанинг олтмишда асари етиб келган ҳисобланар эди. Сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида Ҳаким Термизийнинг ҳозирги кунда мавжуд саксонга яқин асари маълум бўлди. Жумладан, юртимиз ёш олимлари саъй-ҳаракати натижасида Туркия қўлёзма фондларидан алломанинг бугунги кунгача етиб келмаган деб ҳисоблаб келинаётган «Тафсир»и топилди.

1) Ҳаким Термизий меросининг Мовароуннаҳр тасаввуф муҳитига таъсири ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда ўрта асрларда ўлкада кенг ёйилган жавонмардлик, яъни «футувват» ғоялари тарғиб қилинган энг қадимий асарлар алломага тегишли эканини қайд этиб ўтиш лозим. Футувват (араб. – йигитлик, мардлик) – тасаввуфдаги мардоналик, яъни, бошқаларни ўзидан устун кўриш, фақат яхшилик қилиш, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, пиру устозлар, дўст-биродарлар шарафини ҳимоя қилишга ўзини бағишлаш, олижаноб одоб ва хислатларни ўзида камол топтириш. Футувват ғояларининг пайдо бўлиши илк тасаввуф даврига бориб тақалади. Футувват арабча «фато»– «йигит» сўзидан олинган. Ушбу сўз Қуръони каримда бир неча марта келган бўлиб, барча ўринларда мутлақ ижобий тусга эга. Юсуф (а.с.) ва Иброҳим (а.с) («Юсуф» сураси 30, «Анбиё» сураси 60), шунингдек, Юсуф (а.с.) билан бирга зиндонга кирган икки йигит («Юсуф» сураси 36) «фато» сўзи билан

васф қилинган. «Каҳф» сурасидаги «Ғор эгалари» арабча «фитят» (10-13 оятлар) – йигитлар, Мусо алайҳиссаломнинг сафдоши ва ҳамроҳи эса «фато» (60–62 оятлар) – йигит деб номланган.

Ҳаким Термизий ҳам ўз асарларида футувватга оид масалаларни муҳокама қилган. Айрим тадқиқотчилар томонидан Аё Софиядаги № 2049 рақамли қўлёзмалар мажмуасида тўпланган 10га яқин футувватнома асарлардан бири Ҳаким Термизийга нисбат берилади. Жумладан, мисрлик олим Муҳаммад Жуюший Аё Софияда Ҳаким Термизийга мансуб «ар-Рисола фи-л-футувва» асарининг ягона нусхаси сақланишини ҳамда бу асар футувватга доир илк асарлардан эканини қайд этади (Juyushiy M., 1980:96). Бунинг тасдиғи ўлароқ тасаввуфга оид мумтоз манбаларда ҳам Ҳаким Термизийнинг футувват ҳақида айтган гаплари келтирилади. Жумладан, «ар-Рисолату-л-Қушайрия» асарининг «Футувват» бобида Ҳаким Термизийдан иқтибос келтирилади: Муҳаммад ибн Али Термизий айтдики: «Футувват – бу Парвардигоринг учун нафсингга душман бўлмоғингдир». Муҳаммад ибн Али Термизий деди: «Футувват – бу сенинг наздингда муқим одам ва тўсатдан келиб қолган меҳмонни бир хил кўришингдир» (al-Qushayriy:390-391). Ҳаким Термизий «Наводиру-л-усул» асарининг «Арабларнинг фазилати»га бағишланган 67-бобида Иброҳимдан (а.с.) Исмоил (а.с.) энг яхши фазилатларни ўзлаштириб олганини айтади: «...саховат, бағрикенглик, шижоат, улфатлик – араблар орқали бу фазилатлар умматга мерос бўлиб қолди». Ҳаким Термизий футувватга хос бўлган хислатларни мусулмонларнинг ҳаётлари мисолида тасвирлайди: «Хайбар фатҳ этилганда ўлжалар фақатгина маккалик муҳожирларгагина тақсимланди. Зеро, муҳожирлар Мадинага мол-мулксиз кўчиб келган эдилар, ансорлар уларга уй-жойларини бердилар, озуқаларини баҳам кўрдилар ва ҳаттоки ансорлардан бири ўз аёлини муҳожирга никоҳлаб ҳам бермоқчи бўлди (at-Termiziy, 1988:444-471). Аллоҳ таоло ансорларни мадҳ этди:

يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا

Улар ёнларига ҳижрат қилиб келган кишиларни яхши кўрарлар ва дилларида уларга берилган нарса юзасидан илинж топмаслар (Ҳашр, 9).

Яъни муҳожирларга берилиб, ансорлар маҳрум бўлган нарсага қалбларида танглик, бахиллик, рақобат ҳис этмайдилар.

وَيُؤْثِرُونَ عَلَى أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ

ҳамда ўзларига зарурат бўлсада, (бошқаларни) ўзларидан кўра лойиқ билурлар (Ҳашр, 9).

Яъни, ансорларнинг ўзларида ҳам фақирлик ва ўлжага эҳтиёж бор эди, аммо улар ўзларидан муҳожирларни ийсор қилдилар (афзал билдилар)» (at-Termiziy, 1988:463-464).

Ҳаким Термизий ёзади: «Бизга етиб келган хабарларга кўра, Кинона4 бир ўзи таом ейишни ёқтирмаганидан, бирга овқатланишга шерик топа олмаса, рўпарасига тош қўйиб, бир луқмани ўзи еса, бир луқмани унга қўяр экан. Пайғамбарнинг боболари Абдулмутталибнинг дастурхони доим тузалган турар, ундан ҳатто тоғлардаги ҳайвонлар ва қушларга ҳам егулик улашилар эди» (at-Termiziy, 1988:470). Шундан сўнг Ҳаким Термизий бу сифат ва хулқлар ажамларда ҳам бўлсада, аммо фазилат арабларда эканини айтиб ўтади.

«Наводиру-л-усул»нинг «Энг гўзал хулқлар» номли 190-бобида қуйидаги ҳадис келтирилади: «Макориму-л-ахлоқ» – энг яхши хулқлар ўнтадир. У отада бўлса, ўғлида бўлмайди, ўғлида бўлса, отасида бўлмайди, ходимда бўлади хожасида бўлмайди. Аллоҳ таоло бу хулқларни бахт-саодатли бўлишини ирода қилган бандасига беради. Улар: ростгўйлик, қийинчиликда ҳам содиқ бўлиш, муҳтожларга эҳсон қилиш, берилган ҳадя эвазига ҳадя қайтариш, омонатдорлик, қариндошлик ришталарини боғлаш, қўшни ҳақига риоя қилиш, дўст ҳақига риоя этиш, меҳмондўст бўлиш ва буларнинг бошида ҳаёли бўлиш туради», дедилар».

Термизий бу бобда машҳур Ҳотим ат-Тоийнинг асирга тушиб қолган қизининг Расулуллоҳга мурожаатини келтиради: «Эй Муҳаммад, агар «хўп» десангиз, арабларга мени сазойи қилмай, ўз йўлимга жўнатиб юборсангиз. Чунки, мен қавм бошлиғининг қизиман. Отам қийналганларга ёрдам берар, бечораларни ҳимоясига олар эди, меҳмондўст бўлиб, очларни тўйдирар, мусий батзадаларга кўмак берар, мискинларга таом улашар, ўзаро саломлашишни канда қилмас ва ҳеч бир ёрдам сўраб келган ҳожатманд кишининг қўлини қуруқ қайтармас эди. Мен мана шу сифатларга эга бўлган Ҳотим ат-Тоийнинг қизиман». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: – «Эй қизгина! Бу ҳақиқий мўминнинг сифатларидир. Отанг мусулмон бўлганида эди, биз унга раҳмат сўраган бўлар эдик. Уни қўйиб юборинглар» (at-Termiziy, 1988:112). Яъники, Ҳотим ат-Тоий гарчи мусулмон бўлмасада, унда топилган олийжаноб хулқлар туфайли Расулуллоҳ алайҳис-салом у ҳақда яхши фикр билдирдилар, ҳаттоки қизини озод қилдилар. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар жоҳилият давридаги футувватнинг гўзал намуналарига ҳам эътибор қаратадилар (Bayram M., 2016:51-73).

[4] Кинона ибн Хузайма – Исмоилийлардан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўн тўртинчи бўғин аждоди.

Ҳаким Термизий асарларида маломатийларга берилган тавсиялар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудида катта таъсир доирасига эга бўлган маломатийлик ҳаракати ва футувват ғоялари ўзаро уйғунлиги асарларда қайд этилган. Хусусан, футувватга доир махсус «Китобу-л-футувва» асарини ёзган Суламийнинг маломатийларга бағишланган «ар-Рисолату-л-маломатия»да бу ҳолат яққол кўринади. Шуни эътироф этиш керакки, маломатийларнинг аксар ғояларига футувват таълимотлари намуна бўлиб хизмат қилган. Ҳаттоки айтиш мумкинки, футувват ташкилотларининг маломатийлар билан алоқалари аввалида суфийлардан кўра кучлироқ бўлган. Суламий ҳам маломатийларни хос сифатлар билан тавсифлаганда айнан «фато»ларга хос сифатлар билан мадҳ этган. Маломатиянинг илк асосчилари ҳам уни футувватнинг бир кўриниши сифатида тасаввур қилганлар ва ўзларига «фитён» исмини қўллаганлар (Afifiy A., 2015:30-31). Тарих китобларида маломатийлар раҳбарлари ва Ҳаким Термизий ўртасидаги ёзишмалар сақланиб қолган. Маломатийларнинг саволларига Ҳаким Термизий ўз услубига кўра жавоблар йўллаган.Уларнинг таълимотидаги нафсни ислоҳ қилиш борасидаги камчилик ва нуқсонларини очиб, уларни ислоҳ этиш йўлларини ҳам кўрсатиб берган (Sviri S., 1999). Бу эса ўз навбатида, Ҳаким Термизийнинг нафақат Мовароуннаҳр, балки ўлкадан ташқаридаги футувват бирлашмалари шаклланишида ҳам катта таъсир доирасига эга бўлганини кўрсатади (Usmonov I., 2018)5.

Ҳаким Термизий қарашларининг Мовароуннаҳрда тариқатлар шаклланишига таъсири масаласига келганда, манбаларда ўлкада юзага келган тариқатлар асосан ташқи таъсир натижасида пайдо бўлганига урғу берилишини қайд этиш лозим. Ўлкада шаклланган тариқатлардан кубравияни истисно қилганда, яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари Юсуф Ҳамадоний тарғибот фаолияти натижасида юзага келган, деган қараш кенг тарқалган. Аммо Мовароуннаҳр диёрида қадимдан тасаввуфий анъаналар мавжуд бўла туриб, бу ҳудудда локал шаклланган тариқатлар фақат ташқи таъсир натижасида пайдо бўлиши илмий ҳақиқатдан йироқ ҳолат. Айниқса, яссавиянинг ўзига хосликлари тариқатнинг шаклланишида маҳаллий унсурлар яққол кўзга ташланишини исботлаб турибди. Хожагон-нақшбандия тариқатига келсак, масала бироз мураккаброқ. Баҳоуддин Нақшбандниг ўз сулукини айнан Ҳаким Термизий йўлида эканини эътироф этгани машҳур. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳоту-л-унс» асарида келтиришича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Ҳаким Термизий фикр-қарашлари ва асарларидан кенг фойдаланган, ўзини унга издош деб билган. Баҳоуддин Нақшбандниг: «Ҳар қачон азиз авлиёларнинг пешвоси Хожа Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизийнинг руҳониятига таважжуҳим тушганда, менга таъриф ва тавсифга ожиз тасаввуф намоён бўлади», – деган эътирофи маълум ва машҳур. Нақшбандниг хос шогирди Муҳаммад Порсо ҳам Ҳаким Термизий меросидан самарали фойдалангани маълум (Usmonov I., 2009:125). Аммо, Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган даврда, яъни хожагон-нақшбандиянинг шаклланиш давридаёқ тариқатга Ҳаким Термизий таъсири кучли бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Хожагон силсиласини Юсуф Ҳамадоний олиб киргани ҳолда, тариқат шаклланишида маҳаллий таъсир мавжудлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бунинг учун тариқатнинг Баҳоуддин Нақшбандга қадар шаклланган анъаналарини ўрганишда «рашаҳот» тизимини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Хожагон тариқатининг асосий ғояларини қисқа шиорлар («рашҳа» – кўпл. «рашаҳот» – араб. томчи, қатра) орқали баён қилинган. Хожагон сулукини Мовароуннаҳрга олиб кирган Юсуф Ҳамадоний ушбу тариқатнинг дастлабки тўрт «рашҳа»сини тақдим этди. Хусусан, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» асарида: «Ҳуш дар дам», «назар бар қадам», «сафар дар ватан», «хилват дар анжуман», –дер эди (G‘ijduvoniy., 2005:23)», дейилади. Тариқат асослари бу қисқа шиорлар орқали баён қилиниши сабаби у зот «туркийни билмас эдилар», деган иборага бориб тақалади. Чунки Мовароуннаҳр диёрида форсий ва туркий қатлам қадимдан жипс яшаб келган ва форсийзабон бўлмаганлар учун тариқат асосларини қисқа – ёдлаш учун қулай шаклда ўргатиш муҳим эди. Демак, нақшбандияда мавжуд ўн битта (11) «рашҳа»дан тўрттаси (4) бевосита Юсуф Ҳамадонийга мансуб.

Юқоридаги тўрт «рашҳа» тариқатнинг шаклланиш босқичида мустаҳкам мавқега эга бўлиши учун самарали хизмат қилган. Тариқат оёққа туриб олгач, унинг амалий жиҳатларини қарор топтириш, суфий амалиётининг назарий асосларини ишлаб чиқиш долзарб бўла бошлади. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун Абдулхолиқ Ғиждувоний қуйидаги тўрт «рашҳа»ни киритган дейилади. «Рашҳа»лар амалиётга доир бўлгани учун қисқача тўхталиб ўтилади:

– «Ёд кард» – (ёд этиш, эсга олиш) тасаввуфда «зикр» деб номланган амалиётнинг бажарилиши шартларини ифода этади. «Рашаҳот»да келишича зикр тил билан қалб боғлиқлигида амалга ошади, қуруқ тил билан эмас. Аммо зикр тилсиз, қалбнинг ўзи билан бажарилиши мумкин. Баҳоуддин Нақш-

[5] Батафсил маълумот учун қаранг: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/4/

банд айтганидек, «зикрдан мақсад қалбнинг доим Ҳақ таолони севиш ва улуғлаш билан ҳозир бўлишидир, чунки зикр ғафлатни кетказади».

– «Боз гашт»– (қайтариқ, қайтадан бошлаш) хожагон-нақшбандия зикр амалиётида «ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини олган бўлиб, бунда «ҳабси нафас»да (нафасни ушлаб туриб) тоқ марта қайтарилади. Ҳар сафар муайян саноқ бажарилгач, «илаҳий анта мақсудий ва ризока матлубий» (Худойим, сен мақсадимсан, розилигинг эса талабимдир) деб, саноқни бошдан бошланади (Koshifiy., 1971:60-61);

– «Нигоҳ дошт» – (сақлаш, қўриқлаш) зикр калималарини қайтараётганда хаёлидан бошқа нарсалар ўтишига йўл қўймаслик, фикр-у хаёлини зикрдан чалғитувчи нарсалардан қўриқлаб, жамлаб туриш;

– «Ёд дошт» – (ёдда тутиш) ёд этишдан («ёд кард»дан) фарқли равишда, эслашни эмас балки, эсдан чиқармасликни назарда тутади (Xadji Abdulgafur., 2010:65).

Абдулхолиқ Ғиждувоний киритган сўнгги икки «рашҳа»нинг номи Ҳаким Термизийнинг «Жавобу китоб мин ар-Рай» (Рай шаҳридан келган мактубга жавоб) асарида учрайди. Ҳаким Термизий «нигоҳ дошт»ни арабча «ҳифз», «ёд дошт»ни эса «зикр» сўзи билан ифодалайди ва бироз ўзгача маъно беради. «Ҳифз», яъни «нигоҳ дошт» амалларга ўта ҳассослик билан ёндашиш, уларни «қўриқлаб-сақлаб» юришни, ҳар бир шаръий амални пухта бажариш ва буйруқ-қайтариқларга қатъий риоя қилишни англатади. «Ёд дошт»да эса ёд этиш ва ёдда тутиш (зикр) жамланади (at-Termiziy., 1992:184).

Хожагон-нақшбандия тариқатида «рашҳа» сифатида танлаб олинган шиорларнинг Ҳаким Термизий асарида айнан учраши тариқат шаклланишидаги маҳаллий таъсир ўлароқ баҳоланиши мумкин. Бундан кўринадики, хожагон тариқати назарий асослари Юсуф Ҳамадоний ғоялари билан бир қаторда ўз заминимиздан чиққан алломаларимиз мероси билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этган ва бунда Ҳаким Термизий илмий мероси муҳим ўрин тутганини кўрсатади. Бу эса хожагон-нақшбандия тариқати тарихи ва назарий асосларини ўрганишда янги саҳифаларни очиши шубҳасиз.

2) Ҳаким Термизийнинг тафсир ва луғат илмида тутган ўрни борасида гап кетганда аллома асарларида диний матнларда учрайдиган сўзларга алоҳида изоҳлар кўп учрашини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу Ҳаким Термизий луғатшунос олим сифатида ҳам фаол ва самарали ижод қилганини кўрсатувчи далилдир. Ислом таълимотида луғатшунослик (лексикография) бевосита диний матнлар шарҳи, хусусан Қуръон тафсири билан боғлиқ илм ҳисобланади. Саҳиҳ манбаларда Пайғамбар (с.а.в.) тириклик чоғларидаёқ Қуръонда келган айрим сўзларнинг маъноларини изоҳ ва шарҳлашга эҳтиёж сезилгани ҳақида ривоятлар учрайди. Бундай ҳолларда саҳобийлар Пайғамбарнинг (с.а.в.) ўзларига мурожаат қилиб, батафсил жавобни олганлар. Масалан, «Саҳиҳи Бухорий»да келган, Қуръонда тун ва тонгнинг «оқ ип» ва «қора ип» сўз бирикмаси билан ифодаланган борасидаги ҳадис маълум ва машҳур. Пайғамбар (с.а.в.) шарҳлаб бергунларига қадар саҳобийлар бу сўз бирикмасини кўчма маънога эга эканини тушунмай юрганлар (al-Buxoriy., 1995:162). Саҳобийлар даврида ҳам айрим сўзларни изоҳ ва шарҳлаш ишлари давом этган. Хусусан, Қуръон таржимони номи билан машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос араб шеърияти билимдони сифатида кўплаб камёб сўзларнинг маъноларини очиб берилишига катта ҳисса қўшган (Obidov R., 2003:39-42). Бундан диний матнлар луғатшунослиги ислом таълимотида ўз мустаҳкам ўрни ва исломий асосларга эга эканини кўриш мумкин. Шу жиҳатдан барча ислом олимлари асарларида у ёки бу даражада луғат илмига дахлдор масалалар ҳам учраши кузатилади. Тафсирларда Қуръондаги баъзи сўзларнинг изоҳларига кенг ўрин ажратилган, ҳадис тўпламларида ҳам изоҳталаб сўзларни одатда муҳаддисларнинг ўзлари шарҳлаб кетганлар. Юқорида айтилганидек, Ҳаким Термизий асарларида ҳам у асар қайси соҳага оид бўлмасин, баҳс юритилаётган мавзунинг луғатларига тўхталиб ўтилишига гувоҳ бўлинади. Бу ислом таълимотига оид мумтоз асарларга хос умумий хусусият дейиш мумкин. Шу билан бирга, Ҳаким Термизий илмий меросида луғат илмига бағишланган алоҳида асарлар ҳам мавжуд. Бунга мисол ўлароқ «Таҳсил назоири-л-Қуръон» (Қуръоннинг пурмаъно сўзларини ўрганиш), «ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф» (Фарқлар ва маънодошликнинг йўқлиги), «Баён ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуод ва-л-лубб» (Садр, қалб, фуод ва лубб сўзларининг фарқи) асарларини келтириш мумкин.

Ҳаким Термизийнинг диний матнлар луғатига оид бир асари «ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф» бўлиб, ушбу китобнинг олтита қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонаси (№5018), Асъад (№1479/II), Аё София (№1975), Ваҳид пошо (№2251), Кўниядаги Мавлоно музейи (№3179) ва Искандария (№3586) кутубхоналари фондларида сақланади. Асар тилда ва айни ўринда араб тилида мутлақ синонимлар мавжуд эмаслигига бағишланган. Мазкур асарда бир юз олтмиш тўртта (164) кўринишидан маънодош бўлган сўзлар таҳлил қилиниб, уларнинг орасидаги нозик фарқлар оят ва ҳадислардан келтирилган мисоллар орқали очиб беришга ҳаракат қилинади. Асарда кўтарилган масала биринчи

навбатда тил ва луғатшунослик муаммоларига тегишли бўлсада, муаллиф бу ўринда соф тилшунослик мезонлари асосида эмас, балки диний-ахлоқий меъёрлар асосида таҳлилий ёндашган. Бу ўринда сифат ва ҳаракатлар эгасининг уларни қайси ниятда бажариши ҳал қилувчи ўрин тутади. Масалан «мудоро» билан «мудоҳана» сўзлари иккиси ҳам «мулойимлик» маъносини англатсада, улардан биринчиси самимий муносабатни, иккинчиси эса тилёғламаликни англатади (Usmonov I., 2009:163).

Ҳаким Термизийнинг диний матнлар луғатига тегишли навбатдаги асари «Баён ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуод ва-л-лубб» деб номланган. Ушбу асарни дастлаб америкалик тадқиқотчи Николас Ҳир нашрга тайёрлаган ва 1958 йилда Қоҳирада чоп эттирган. Замонавий нашр Қоҳиранинг «Дору-л-кутуб» кутубхонасида сақланаётган №345/I рақамли ягона қўлёзма асосида тайёрланган (Usmonov I., 2009:147). Асарнинг интернет учун мўлжалланган шакли ҳам бор бўлиб, уни иорданиялик Юсуф Валид Маръий асл матнга қиёслаб тайёрлаган ва ушбу нашрда Н.Ҳир тадқиқотидан ҳам фойдаланганини айтиб ўтган. Ушбу асар саккизта (8) фаслдан иборат бўлиб, унда «садр» – инсон кўкси, «қалб» – юрак, «фуод» – кўнгил ва «лубб» – онг сўзларининг фарқи ҳақида фикр юритилади. Аммо бу ўринда ҳам масалага соф тилшунослик эмас, балки Н.Ҳир таърифи билан айтганда «тасаввуф психологияси» нуқтаи назаридан ёндашилган. Бунга кўра, «садр» – ислом нурининг ўрни бўлиб, банданинг муслим мақомига оид ва шариат илмига далолат қилади; «қалб» – имон нурининг ўрни бўлиб, банданинг мўмин мақомига оид ва у ботин илмига далолат қилади; «фуод» – маърифат нурининг ўрни бўлиб, банданинг ориф мақомига ва рўё (туш)га, «лубб» эса банданинг муваҳҳид мақомига тегишли бўлиб, у Аллоҳнинг бандага марҳамати ва яхшилик ирода қилганига далолат қилади. Ю.Маръий Н.Ҳирнинг асар борасидаги фикрларини келтирар экан, америкалик тадқиқотчи унинг Ҳаким Термизийга тегишли эканига шубҳа билдирганини айтиб ўтган. Н.Ҳирнинг шубҳалари учта асосга таянади:

1) инсон руҳиятини тўрт мақомга бўлиш Ҳаким Термизийнинг бошқа асарларида учрамайди;

2) асар саж‘ услубида, яъни қофияли насрда ёзилган. Бундай услуб ҳам Ҳаким Термизийнинг бошқа асарларида кузатилмаган;

3) ҳозирда асарнинг ягона қўлёзмаси мавжуд бўлиб, уни қиёслаб кўриш учун бошқа бирор манба маълум эмас (at-Termiziy., 2009:1-5).

Н.Ҳирнинг амалга оширган ишларини кам кўрмаган ҳолда, унинг юқорида келтирилган фикрлари бир қадар мунозарали эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Аввало, мисрлик олим Абдулфаттоҳ Бараканинг қайд этишича, Ҳаким Термизийнинг тўрт юздан (400) ортиқ турли ҳажмдаги асарларидан фақат олтмишга (60) яқини бизнинг кунимизгача етиб келган. Шунинг учун инсон руҳияти мақомлари ҳақидаги фикрлар Ҳаким Термизийнинг бошқа асарларида учрайдими ёки йўқлиги жуда мавҳум фикр. Услуб борасидаги гапларга ҳам айни эътирозни билдириш мумкин, чунки услубни муқояса қилиш учун Ҳаким Термизийнинг тўлиқ асарлари тўплами мавжуд эмас. Тўрт юзта асардан бизга етиб келган саксонтаси ичида қофияли насрда ёзилгани битта бўлиши мумкин. Етиб келмаган ёки ҳозирда маълум бўлмаганлари учун бирор қатъий гап айтиш қийин. Қўлёзманинг ягона нусхада экани ҳам бирор нарсани ойдинлатмайди. Имом Мотуридийнинг «Китобу-т-тавҳид» асари ҳам ягона нусхада сақланиб қолган. Аммо бошқа асарларда келтирилган иқтибослар орқали асар айнан Имом Мотуридийга тегишли экани ўз исботини топди. Бунинг устига «ягона нусхалик» муаммоси ҳам вақт ўтишига боғлиқ масала. Ҳозирда Ҳаким Термизийнинг шу пайтга қадар йўқолган деб ҳисобланиб келган «Тафсир»и ҳам топилгани эълон қилинди. Шунинг учун ҳар қандай асар қўлёзмасининг у ёки бу нусхаси топилиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳаким Термизийнинг диний матнлар луғати, аниқроғи Қуръон луғатига тегишли асари» Таҳсил назоири-л-Қуръон» («Қуръоннинг пур маъно сўзларини ўрганиш») деб номланади. Замонавий исломшунослик нуқтаи назаридан қаралса, Ҳаким Термизийнинг «Таҳсил назоири-л-Қуръон» асари диний матнлар лексикографиясига оид асар сифатида талқин ва тадқиқ қилиниши мумкин. Қуръондаги айрим сўзларнинг шарҳига бағишланган ушбу асарда жами саксон битта (81) сўзнинг қайси ўринда қай маънода келгани батафсил ёритилган (at-Termiziy., 1969:1-127). Мазкур асар Искандария кутубхонасида сақланаётган ҳижрий 593/1196 милодий йилда кўчирилган №3585/II рақамдаги ягона қўлёзма асосида Ҳусний Зайдон томонидан нашрга тайёрланган ва 1969 йилда чоп эттирилган (Usmonov I., 2009:147). Ҳаким Термизий шарҳлаш учун танлаб олган сўзлар «назоир» ўлароқ шарҳланган.

«Назоир» ва «вужуҳ» атамалари Қуръон ва тафсир илмининг тармоқларидан бири бўлмиш «ал-вужуҳ ва-н-назоир» бўлимининг таркибий қисмларидир (as-Suyutiy., 2008:301). «Вужуҳ ва назоир» илми анъанавий ислом илмларидан бири бўлиб, турли муаллифлар ва асарларда қисқа ва батафсил таърифларга эга. Хусусан, Ибн Манзурнинг машҳур «Лисону-л-араб» луғатида «назоир»га: «Назоир» (الظنائر) «назира» (الظنيرة) сўзининг кўплиги бўлиб, у шакллар, хулқлар, ишлар ва сўзларда тенглик ва ўхшашликни англатади (Ibn al-Munzir., 1885:215). XIX асрга оид «Абжаду-л-у-

лум» исломий илмлар энциклопедиясида ушбу соҳага қуйидагича таъриф берилган: «Вужуҳ ва назоир» илми тафсир илмининг тармоқларидан бири бўлиб, бир сўз Қуръоннинг турли ўринларида бир хил товуш («лафз») ва бир хил ҳаракат билан келса-да, ундан ҳар бир ўринда бошқа маъно исталишини англатади. Бир ўринда зикр қилинган ҳар қандай сўзнинг бошқа ўриндаги ўхшаши бу «назоир»дир. Ҳар бир сўзнинг бошқа-бошқа маъноларда тафсир қилиш бу «вужуҳ»дир. Агар «назоир» сўзларнинг исми бўлса, «вужуҳ» маънонинг исмидир (al-Qanujiy., 1978:568)».

Юқорида келтирилган таърифлар кўпроқ араб тили қонун-қоидаларига хос баён қилингани учун ўзбек тилида бироз соддалаштириб қайта таърифлашга эҳтиёж сезилади. Ҳар қандай тилда бўлгани каби араб тилида ҳам бир хил шаклга эга, аммо турлича маъноларни ташувчи сўзлар учрайди. Масалан кўпинча «кўз» деган маънода ишлатилувчи «айн» сўзи «булоқ», «ўзлик» (айнан) деган маъноларда ҳам кенг қўлланилади. Садриддин Айний эса бу сўзнинг етмишдан ортиқ камёб маънолари борлигини ҳам қайд этган. Тилшуносликда бу омонимия дейилиши маълум. Қуръон матнининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг кам сўзларни қўллаган ҳолатда кўп маъноларни ифода этилиши бўлиб, унда учрайдиган айрим сўзлар шакл жиҳатдан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам бир хил бўлгани ҳолда контекстдан келиб чиқиб турли маъноларни англатиши мумкин. Масалан, «шаҳар» маъносини англатувчи «қарят» сўзи Қуръонда турли ўринларда бир хил шакл ва луғавий жиҳатдан бир – «шаҳар» маъносида келган. Аммо, «Бақара» сураси 58-оятдаги «шаҳар» Қудс шаҳрини англатса, «Нисо» сураси 75-оятдаги «шаҳар» Маккани, «Юсуф» сураси 81-оятдаги «шаҳар» эса Мисрдаги шаҳарни, «Ёсин» сураси 13-оятда эса тафсирларга кўра Антиохияни англатади. Бошқа ўринларда ҳам «қарят» сўзи шаклан ва мазмунан бир хил бўлгани ҳолда, маъно ташиш нуқтаи назаридан ўзгача тафсирларга эгадир. Бу ўринда «изоҳ», «шарҳ», «маъно» сўзларидан кўра тафсир атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки соҳага оид классик манбаларда берилаётган маъно «сўзнинг тафсири» дейилган. Бошқа тарафдан қаралса ҳам, тафсир илмини билмай туриб айни бир хил сўзга турли ўринларда турфа маъно бериш қийин масала. Тафсир илмида эса «ал-вужуҳ ва-н-назоир» бир сўзнинг турли ўринларда бир шаклда ва бир хил «ҳаракат» билан, юзаки маъноси бир бўлиб келгани ҳолда бошқа-бошқа маъноларни англатишига айтилади. Муайян бир сўзнинг турли ўринларда шаклан ва луғавий жиҳатдан тенг ва ўхшаш келиши «назоир», ушбу сўзларга турли ўринларда турли маъно берилишига эса «вужуҳ» дейилади. Мана шу ўриндаги шаклан ва луғавий бир хилликка «назоир» дейилади. Буни ўзига хос ички (яширин) омонимия ёки полисемия дейиш мумкин.

Ислом оламида айнан «вужуҳ ва назоир» соҳасига бағишлаб асар ёзган мумтоз муаллифлар кўп эмас. Агар даврий жиҳатдан санайдиган бўлсак, уларнинг қуйидаги тартиби юзага келади:

Муқотил ибн Сулаймон (ваф. ҳ. 150/767 м.) – «ал-Вужуҳ ва-н-назоир фи-л-Қуръони-л-азим»;

Ҳорун ибн Мусо (ваф. ҳ. 170/787 м.) – «ал-Вужуҳ ва-н-назоир фи-л-Қуръони-л-карим»;

Яҳё ибн Салом (ваф. ҳ. 200/816 м.) – «ат-Тасориф»;

Ҳаким Термизий (ваф. ҳ. 255/869 м.) – «Таҳсил назоири-л-Қуръон»;

Исмоил ибн Аҳмад Ҳирий (ваф. ҳ. 430/1039 м.) – «Вужуҳу-л-Қуръон»;

Ҳусайн ибн Муҳаммад Домғоний (ваф. ҳ. 478/1085 м.) – «ал-Вужуҳ ва-н-назоир ли-алфози Китоби-ллоҳи-л-азиз»;

Ибн Жавзий (ваф. ҳ. 597/1201 м.) – «Нузҳату-л-айни-н-навозир фи илми-л-Вужуҳ ва-н-назоир»;

Ибн Имод Мисрий (ваф. ҳ. 887/1482 м.) – «Кашфу-с-сароир фи маъно ал-вужуҳ ва-л-ишбоҳ ва-н-назоир»;

Ушбу рўйхатда келтирилган муаллифларнинг дастлабки тўрттаси ушбу соҳага дастлабки қўл урган муаллифлардан ҳисобланиб, уларнинг асарлари услуб жиҳатидан бир хил йўлдан кетган. Соддароқ тушунтирадиган бўлсак, «вужуҳ ва назоир» бўйича илк тўлиқ асар ёзган Муқотил ибн Сулаймон «назоир»ларни санашда энг аввал «ал-ҳудā» сўзидан бошлаб, сўнгра «ал-куфр», «аш-ширк», «савā», «ал-мараз», «ал-фасāд», сўзларининг шарҳи билан давом этиб кетган. Рўйхат нега айнан бу тартибда кетганига ҳеч қаерда изоҳ берилмаган. Ҳақиқатга яқинроғи ушбу тартиб мазкур сўзларнинг Қуръоннинг дастлабки бетидан кетма-кетма учрай бошлашига асосланса керак. Масалан, «ал-ҳудā» «Бақара» сурасининг 1-оятида келса, «ал-куфр» (ўзак), «савā» айни суранинг 6-оятида, «ал-мараз», «ал-фасāд» (ўзак) 10 ва 11-оятларида келади ва бундан аввал учрамайди. Бироқ айни тартиб мунтазам эмас, чунки рўйхатда учинчи саналган «аш-ширк» сўзи уларнинг орасида учрамайди. Муқотил ибн Сулаймонга издош мақомидаги Ҳорун ибн Мусо, Яҳё ибн Салом ва Ҳаким Термизийлар ҳам айнан шу тартибни асос қилиб олганлар. Бироқ, дастлабки учта «назоир»дан сўнг ҳар бир муаллиф сўзларнинг сони, танланиши ва кетма-кетлигида жузъий фарқларга йўл қўя бошлагани кўзга ташланади. Қуйидаги жадвалда тўрттала асардаги танланган «назоир»ларнинг тартиб рақами ва бир-бирига мувофиқ келиши таққослаб кўрсатиб ўтилган:

№	Ҳаким Термизий	№	Муқотил б. Сулаймон	№	Ҳорун б. Мусо	№	Яҳё б. Салом
1	*ал-ҳудā*	1	*ал-ҳудā*	1	*ал-ҳудā*	1	*ал-ҳудā*
2	*ал-куфр*	2	*ал-куфр*	2	*ал-куфр*	2	*ал-куфр*
3	*аш-ширк*	3	*аш-ширк*	3	*аш-ширк*	3	*аш-ширк*
4	*савā*	4	*савā*	4	*савā*	5	*савā*
5	*ал-мараз*	5	*ал-мараз*	5	*ал-мараз*	6	*ал-мараз*
6	*ал-фасāд*	6	*ал-фасāд*	6	*ал-фасāд*	7	*ал-фасāд*
7	*ал-машйу*	7	*ал-машйу*	7	*ал-машйу*	8	*ал-машйу*
8	*ал-либāс*	8	*ал-либāс*	8	*ал-либāс*	9	*ал-либāс*
9	*ал-суу*	9	*ал-суу*	9	*ал-суу*	10	*ал-суу*
10	*ал-хизйу*	12	*ал-хизйу*	12	*ал-хизйу*	13	
11	*бāуу*	13	*бāуу*	13	*бāуу*	14	
12	*ар-раҳма*	14	*ар-раҳма*	14	*ар-раҳма*	15	
13	*ал-фурқон*	15	*ал-фурқон*	15	*ал-фурқон*	16	
14	*қонитийн*	19	*қонитун*	19	*қонитийн*	20	
15	*аз-зикр*	24	*аз-зикр*	24	*аз-зикр*	25	
16	*ал-хавф*	25	*ал-хавф*			26	*ал-хавф*
17	*ас-салāт*	26	*ас-салāт*			27	*ас-салāт*
18	*ан-нāс*	29	*ан-нāс*			28	*ан-нāс*
19	*катаба*	30	*катаба*	25	*катаба*	29	*катаба*
20	*ал-хайр*	26	*ал-хайр*	26	*ал-хайр*	30	*ал-хайр*
21	*ал-хийāнат*	27	*ал-хийāнат*	27	*ал-хийāнат*	31	*ал-хийāнат*
22	*ал-имāм*			20	*ал-имāм*	21	*ал-имāм*
23	*ал-уммат*			21	*ал-уммат*	22	*ал-уммат*
24	*аш-шиқāқ*			22	*аш-шиқāқ*	23	*аш-шиқāқ*
25	*ал-важҳ*			23	*ал-важҳ*	24	*ал-важҳ*
26	*ал-фитна*	31	*ал-фитна*	28	*ал-фитна*	32	*ал-фитна*
27	*ал-удвāн*	32	*ал-удвāн*	29	*ал-удвāн*	33	*ал-удвāн*
28	*ал-иътидā*	33	*ал-иътидā*	30	*ал-иътидā*	34	*ал-иътидā*
29	*фарз*	34	*фарз*	31	*фарз*	35	*фарз*
30	*ал-афв*	35	*ал-афв*	32	*ал-афв*	36	*ал-афв*
31	*ат-туҳуур*	36	*ат-туҳуур*	33	*ат-туҳуур*	37	*ат-туҳуур*
32	*инна*	37	*инна*	34	*инна*	38	*инна*
33	*аннā*	38	*аннā*	35	*аннā*	39	*аннā*
34	*аз-занн*	103	*аз-занн*	207	*аз-занн*	68	*аз-занн*
35	*ал-ҳикмат*	39	*ал-ҳикмат*	36	*ал-ҳикмат*	41	*ал-ҳикмат*
36	*ал-маъруф*	41	*ал-маъруф*	38	*ал-маъруф*	43	
37	*ат-тоғуут*	42	*ат-тоғуут*	39	*ат-тоғуут*	44	
38	*аз-золимун*	45	*аз-золимийн*	41	*аз-золимийн*	46	
39	*атмаанна*			43	*атмаанна*	48	*тумъанийнат*
40	*ас-саъйу*			44	*ас-саъйу*	89	*ас-саъйу*
41	*ал-фавāҳиш*			47	*ал-фавāҳиш*		
42	*аднā*			48	*аднā*		
43	*ат-таъвил*			49	*ат-таъвил*		
44	*ал-истиғфāр*			50	*ал-истиғфāр*		
45	*ад-диин*			51	*ад-диин*		
46	*аҳас*			52	*аҳас*		
47	*ал-ислāм*			53	*ал-ислāм*		
48	*ал-иймāн*			55	*ал-иймāн*		
49	*аш-шукр*			54	*аш-шукр*		
50	*ал-фазл*			57	*ал-фазл*		

51	*ас-сурр*			58	*ас-сурр*		
52	*аз-заррāу*			59	*аз-заррāу*		
53	*ал-вакиил*			60	*ал-вакиил*		
54	*ал-муҳсанāт*			61	*ал-муҳсанāт*		
55	*аш-шаҳиид*			62	*аш-шаҳиид*		
56	*ал-ҳараж*			64	*ал-ҳараж*		
57	*ар-радā*						
58	*шияъан*	115	*шияъан*	66	*шияъан*		
59	*ал-матāъ*	116	*ал-матāъ*	67	*ал-матāъ*		
60	*аз-зуҳā*	117	*аз-зуҳā*	68	*аз-зуҳā*		
61	*ал-хāсируун*	118	*ал-хāсириин*	69	*ал-хусрāн*		
62	*ал-иститāат*	119	*ал-иститāат*	70	*ал-иститāат*		
63	*фатавалла*	120	*тавалла*	71	*тавалла*		
64	*ар-рууҳ*	121	*ар-рууҳ*	72	*ар-рууҳ*		
65	*ал-аҳзāб*	123	*ал-аҳзāб*	74	*ал-аҳзāб*		
66	*ат-тақвā*	124	*иттақуу*	75	*ат-тақвā*		
67	*ас-сафф*	125	*саффан*	76	*ас-сафф*		
68	*ал-ҳашр*	126	*ал-ҳашр*	77	*ал-ҳашр*		
69	*ар-ражā*	127	*ар-ражā*	78	*ар-ражā*		
70	*ал-ваҳйу*	128	*ал-ваҳйу*	79	*ал-ваҳйу*		
71	*ал-жаббāр*	129	*ал-жаббāр*	80	*ал-жаббāр*		
72	*ас-савийй*	130	*ас-савийй*	81	*ас-савийй*		
73	*ал-лағв*	131	*ал-лағв*	82	*ал-лағв*		
74	*зилл*	132	*золлу*	83	*зилл*		
75	*ал-асбāб*	133	*ал-асбāб*	84	*ал-асбāб*		
76	*ал-Ҳаққ*	134	*ал-Ҳаққ*	85	*ал-Ҳаққ*		
77	*ғайр ҳисāб*			87	*ғайр ҳисāб*		
78	*ал-мā*	139	*ал-мā*	88	*ал-мā*		
79	*кабиир*	137	*кабиир*	89	*кабиир*		
80	*йузъавна*	138	*йузъавна*	90	*йузъавна*		
81	*ас-сабиил*	142	*ас-сабиил*	93	*ас-сабиил*	51	*ас-сабиил*
81/81		57/164та мувофиқ		78/208та мувофиқ		32/115та мувофиқ	

Ушбу жадвалдан Ҳаким Термизий келтирган «назоир»лар рўйхатига энг кўп мувофиқ келадигани Ҳорун ибн Мусонинг «ал-Вужуҳ ва-н-назоир фи-л-Қуръони-л-карим» асари бўлиб, унда етмиш саккизта сўз мувофиқ келган. Энг кам мувофиқ келадигани эса Яҳё ибн Саломнинг «ат-Тасориф» асари бўлиб, ўттиз иккита сўз қайтарилган. Бироқ, «ал-хавф», «ас-салāт», «ан-нāс» сўзлари Ҳорун ибн Мусода учрамайди. Муқотил ибн Сулаймон ва Яҳё ибн Саломда эса учрайди. Бир дона «ар-рада» сўзи эса фақат Ҳаким Термизийда учрайди. Ушбу бир-бирига издош олимларнинг ўзаро илмий таъсири масаласи эса чуқур тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ аниқлаштирилиши мумкин.

«Таҳсил назоири-л-Қуръон»даги услуб масаласига ҳам қисқача тўхталиб ўтиладиган бўлса, Ҳаким Термизий аввал «назоир» деб тадқиқ қилинаётган сўзни келтириб, кейин унинг муҳим «важҳ»ларини санаб ўтади. Масалан, асарда шарҳланаётган биринчи сўз «ал-ҳудā» бўлиб, унга қуйидагича таъриф берилган:

«ал-Ҳудā» ўн саккизта «важҳ» узра келган. Ушбу сўздан ҳосил [бўлган маъно] фақат биргина сўз бўлиб, у ҳам бўлса, «ал-ҳудā» бу майл – [йўналмоқ, оғмоқ]дир. Луғатда ҳам айтилади: «Фалончини кўрдим, хоҳишига қараб оғиб (يتهادي) кетди», яъни мойил бўлди. [Аллоҳ] таолонинг қавлида (إنَّا هُدْنَا إلَيْكَ) яъни «Сенга йўналдик [юзландик]», дейилгани ҳам шундан. Ҳадянинг «ҳадя» дейилиши ҳам шундан. Чунки у тортиқ қилинаётган кишининг қалбини мойил қилади...»(at-Termiziy., 1969:19-20).

Ҳаким Термизий «ал-ҳудā» сўзининг луғавий маъноси, яъни «назоири»ни келтириб ўтгандан сўнг, унинг ўн бешта (15) «важҳ»и, яъни турли ўринлардаги маъноларини санаб ўтади. Ушбу шарҳларни Муқотил ибн Сулаймон, Ҳорун ибн Мусо ва Яҳё ибн Саломлар ҳам рўйхати билан солиштирилса, улар ҳам айнан «ал-ҳудā» сўзининг ўн

еттита (17) важҳини санаганлар. Ушбу шарҳларда умумий ва фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, Ҳаким Термизийнинг услуби бу анъанадаги сўнгги асар ҳисобланади. Чунки даврий жиҳатдан кейинги ўринда турувчи Исмоил Ҳирий (22) соҳага тегишли асарини буткул бошқа услубда ёзишни бошлаган. Кейинги сўз «ал-куфр» бўлиб, унинг ҳам луғавий маъносидан кейин бешта «важҳ»и саналган. Шу йўсинда 3) «аш-ширк», 4) «савā», 5) «ал-мараз», 6) «ал-фасод», 7) «ал-машйу» каби саксон битта сўз шарҳланган. Баъзи сўзлар шарҳига кўп жой ажратилган, шарҳлар ҳам батафсил берилган, баъзилари мухтасар шарҳлаб ўтилган. Айрим ўринларда фикрни тасдиқлаш учун оятлардан мисоллар келтирилган.

Юқоридагиларни умумлаштирилса, Ҳаким Термизий ўз даврида диний матнлар луғати соҳасига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган етук аллома экани маълум бўлади. Унинг асарларидаги сўзлар шаклланган анъанага кўра ҳам луғавий ҳам атама жиҳатидан шарҳланган. Ушбу услуб кейинги давр олимлари асарларида доминантлик касб этган. Айрим ҳолларда сўзларнинг этимологиясига ҳам эътибор қаратилган. Аксар ҳолларда эса оят ва ҳадислардан мисол келтириш орқали изоҳланган. Мазкур асарларни ўрганиш ва тадқиқ этиш диний матнларнинг ва айниқса, Қуръон матнининг тафсири ва талқини илк даврларда қандай амалга оширилганини очиб беришга хизмат қилади. Зеро, Ҳаким Термизий шарҳлари минтақамизда ёзилган асарлар ичида даврий жиҳатдан бирламчилик касб этади. Шу билан бирга, аллома асарларини ўрганиш, тадқиқ этишда уларнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини очиб бериш, уларни бугунги кун маънавий эҳтиёжлари билан боғлай олиш каби бир қатор муаммолар ҳам ўз ечимини кутаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Afifiy, Abul Alo. Al-Malomatiya, as-sufiya va ahl al-futuvva. – Bayrut-Bag‘dod: Manshurot Jamal, 2015.
2. al-Buxoriy, Muhammad ibn Ismoil. Qur’on tafsiri kitobi // al-Jome as-sahih. Tarj. R.Obidov. Toshkent: Qomuslar bosh tahririyati, 1995.
3. Bayram M . «Anadolu Ahiliğinin teşekkülünde’ ki rolü açisindan fütüvvet hareketi ve tarihi». Selçuklu Medeniyeti Araştırmaları Dergisi 1/2016.
4. G‘ijduvoniy, Xoja Abdulxoliq. Maqomoti Yusuf Hamadoniy. Tarj. S.Sayfulloh, N.Hasan. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005.
5. Ibn al-Munzir, Jamoluddin Muhammad ibn Mukarram al-Ifriqiy al-Misriy. Lison ul-arab. – T.5.Bayrut: Doru Sodir h. 1300/1883 m.
6. al-Hiriy, Ismoil ibn Ahmad . Vujuhu-l-Qur’on. Damashq: Doru-s-saqo lit-t-tiboa van-n-nashr vat-t-tavze’, 1996.
7. Horun ibn Muso. al-Vujuh va-n-nazoir fi-l-Qur’oni-l-karim. Bag‘dod: Doiratu-osor va-t-turos, 1988.
8. Juyushiy M. Al-Hakim at-Termiziy – dirosat li-osorihi va afkorihi. – Qohira: Dor an-nahza al-Arabiyya, 1980.
9. Koshifiy, Husayn ibn Ali. Rashahot ayni-l-hayot (arab tilida). Bayrut: Doru-l-kutubi-l-ilmiyya, 1971.
10. Muqotil ibn Sulaymon . al-Vujuh va-n-nazoir fi-l-Qur’oni-l-azim. Bag‘dod: Markaz Jum’a al-Majid lis-s-saqofa va-t-turos, 2006.
11. Obidov R. Qur’on, tafsir va mufassirlar. Toshkent: Movarounnahr, 2003.
12. al-Qanujiy, Siddiq ibn Hasan. Abjadu-l-ulum. Nashrga tayyorlovchi A.Zakkor. Damashq: Manshurot vizorati-s-saqofa va-l-irshodi-l-qavmiy, 1978.
13. al-Qushayriy, Abulqosim. Ar-Risola al-Qushayriyya. – Qohira: Dor ash-sha’b.
14. as-Suyutiy, Jaloliddin. Al-Itqon fi ulumi-l-Qur’on. Bayrut: Muassasatu-r-risola. 2008.
15. Sviri S. Hakim Tirmidhî and the Malâmatî Movement in Early Sufism.The Heritage of Sufism vol.I, ed. L. Levisohn.–Oxford:Oneworld Publications: 1999.
16. at-Termiziy, al-Hakim. Tahsil nazoiri-l-Qur’on. Nashrga tayyorlovchi Husniy Zaydon. Qohira: Matbaatu-s-saoda, 1969.
17. at-Termiziy, al-Hakim. Navodir al-usul. –Qohira: Dor ar-rayyon, 1988.
18. at-Termiziy, Muhammad ibn Ali al-Hakim. Javobu kitob min ar-Ray. // Salosatu musannafot lil-Hakim at-Termiziy. Nashrga tayyorlovchi B.Radtke. Bayrut: 1992.
19. at-Termiziy, al-Hakim. Bayon al-farq bayna-s-sadr va-l-qalb va-l-fuod va-l-lubb. Nashrga tayyorlovchi Yusuf Valid Mar’iy. Ammon: Muassasatu Oli-l-bayt lil-fikr al-islomiy, 2009.
20. Usmonov I. Navodir al-usul hikmatlari. Toshkent: Fan, 2009.
21. Usmonov, Ibrohim (2018) «Muslim altruism ideas in the scientists’ writings of Maverannahr,» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 4.Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/4
22. Xadji Abdulgafur Razzak Buxari. Vvedenie v sufizm (na osnove ucheniya Nakshbandiya). Moskva: Imidj Press, 2010.
23. Yahyo ibn Salom. at-Tasorif. Ammon: Muassasatu Oli-l-bayt lil-fikr al-islomiy, 2008.